Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 17 февраль ● сешанба ● № 7 (624) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Адвокатура институти

“АДВОКАТУРА институтини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун Хоразм вилояти адлия бошқармаси билан республика Адвокатлар палатаси вилоят худудий бошқармаси ҳамкорликда уюштирган семинар-машғулотда батафсил ўрганиб чиқилди.

МАЗКУР Қонунга кўра, мамлакатимизда адвокатура институти тамомила мустақил, таъсирчан ва самарали фаолият кўрсатувчи ҳуқуқий ҳимоя бўғини мақомини олди. Унда жаҳон ҳуқуқий ҳимоя тамойилларининг энг яхши намуналари ўз ифодасини топган.

Анжуманда янги Қонун туфайли юзага келган кўламдор ва салмоқли вазифаларни амалда рўёбга чиқаришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар баён этилди, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдулла СОБИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Экинзорлар пайҳон бўлмасин

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНг 2008 йил 10 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш юзасидан Улуғнор туманида туман ҳокимлиги, ички ишлар, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, посбонлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

ТУМАНДА мавжуд фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, аниқ чора-тадбирлар белгилаш, қишлоқ ва маҳалла фаоллари, маслаҳатчилари, посбонлари томонидан бу хусусда чекка қишлоқларда қорамолларни қаровсиз қолдирмаслик, экинларнинг пайҳон қилинишига қарши муросасиз муносабатда бўлиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилишининг аҳволи муҳокама қилинди.

Камолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими

“Сиз қонунни биласизми?”

ЁШЛАРНИ КОНСТИТУЦИЯ, давлат ва ҳукумат қарорларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамиятда қонуннинг устувор бўлишига эришишда фаол қатнашиш, улар ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишишларига кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш ёшлар тафаккурини республика қонунлари доирасида шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда иқтидорли ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш мақсадида “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси, ИИББ, адлия бошқармаси ва Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови ўтказилди.

УШБУ танловнинг шаҳар босқичида Ҳамза тумани Хотин-қизлар коллежининг “Адолат” жамоаси саҳна кўринишларида барчани лол қолдириб, энг фаол иштирокчи деб топилган бўлса, барча шартлар бўйича ғолибликни қўлга киритган Тошкент Юридик коллежининг “Камолот” жамоаси республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловга йўлланма олди.

Аброр БЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

// Назар

Ўзбекистон бозорлари

файз-барака ёғилган дастурхон

БОЗОРЛАРИМИЗДАГИ тўкин-сочинлик — лаззатли мевалар, сарҳил сабзавотлар, қўйингки, барча маҳсулотлар осмондан тушмаган...

БУГУН ДУНЁ ўз тарихида галдаги драматик воқеаларни бошдан кечирмоқда. Қуролли тўқнашувлар, экологик муаммолар, диний низолар, гоҳо гегомонлик қутқулари бани башар авлоди ҳаётига таҳдид солиб турибди. Айниқса, шу кеча-кундузда жаҳон молия-иқтисодиётида кечаётган инқироз ер юзи халқларини ташвишга солаяпти. Глобал муаммо ҳеч бир давлатни четлаб ўтаётгани йўқ. Ишсизликнинг ортиб бориши, иқтисодиётнинг пасайиши, нарх-наводаги номутаносиблик ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кунда матбуот ва телеэкран орқали энг йирик компанияларнинг тўхтатилганлигини, минглаб ишчиларни бағрига сиғдирган корхоналарнинг ҳувиллаб қолганлигини кўриш мумкин. Тобора бир-бирига иқтисодий яқинлашиб, муштараклашиб бораётган дунё ҳамжамиятининг бу муаммодан осонликча халос бўлмаслиги кундай равшан.

Жаҳон бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга Ўзбекистоннинг бу муаммолар йўлида ечим топиб, иқтисодиёти юксалиб, мамлакат равнақи, турмуш фаровонлигининг ўсаётганлигини англаб етиш унчалик катта ақл талаб қилмайди. Буни исботлаш ҳам шарт эмас. Фақатгина дунёда рўй бераётган иқтисодий бўҳрон оқибатларини-ю, Ўзбекистондаги бугунги ҳаёт манзарасини солиштириш, кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя.

“Қайсики элнинг турмуш тарзини, ҳаёт кечиришини кўрмоқчи бўлганлар ўша элнинг бозорига бориши керак”, деган гап юради, одамлар орасида. Дарвоқе, халқ турмуш тарзи унинг бозорлари билан қиёсланишида ҳақиқат бор. Аслида ҳам элнинг ризқи ана шу бозорларда бўлади. Дастурхоннинг тўкинлиги, кўнгилнинг хотиржамлиги билинади бу гўшада.

Кунора бозор айланамиз. Оиламизнинг асосий юмуши, ҳаётимизнинг бир қисми кечади бу ерда. Турмуш тарзимиздаги файзи тароват, фаровонлик бозорлардаги тўкинчилик, мўл-кўлчиликка боғлиқ бўлади. Давр ҳарактери энг аввало, ана шу гўшада акс этади.

Дам олиш куни яна бозор айландик. Одам гавжум. Қатор расталар, бозорга кўрк бериб турган нозу неъматлар, кийим-кечаклар, орасталик осойишталик. Бозорларга файз кирган, демак, халқнинг турмушида барака, ҳаётида мазмун бор. Улар билан суҳбатлашсангиз, ҳар бирининг қалбида шукроналик туйғусини туясиз. Ахир, бу дамларга етганлар-етмаганлар, билганлар-билмаганлар бор.

Қаранг, бугун ўзбекнинг қайси бозорига борманг, ана шу тўкинликни, фаровонликни кўрасиз, одамлар кайфиятини, руҳиятини ҳис қиласиз. Лекин бу тўкин-сочинлик, ризқ-рўз, барака, жаннатий тимсолга эга бозорлар кўрки ўз-ўзидан бўлмайди. Бу мева-чевалар, сарҳил сабзавотлар, сутқатиқ, нон, гўшт, қўйингки, бозордаги барча-барча маҳсулотлар осмондан тушмаган. Осмондан тушмайди ҳам. Буларни яратишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Буларни мана шу меҳнаткаш халқ яратяпти. Бу меҳнаткаш халқ учун оёғи остида бир парча ер, бошида осуда осмон, юртда тинч-тотувлик бўлса бас. Шоирларимиз Ўзбекистонни еру кўк орасидаги дастурхон, дейишади. Чиндан ҳам бу дастурхонда қишин-ёзин ноз-неъматлар тўлиқ бўлади. Бу дастурхонга Худо баракасини берган, Ҳизр бобо назар солган бозорларимиз файз бериб туради, бу дастурхондан бир татинган инсоннинг меҳр риштаси сеҳр билан боғланиб қолади.

Сарҳил мевалар, нозу-неъматлардан кўзингиз қувнайди. Кишиларнинг мамнун чеҳрасидан дилингиз яйрайди. “Олой бозори”да ёқутдай товланиб, нур таратаётган қип-қизил Бахмал олмасини қўлига олиб кўзлари чақнаб шеригига нималарнидир, тўлқинланиб сўзлаётган ажнабийни кўриб, ҳайрат истаганлар ўзбекнинг бозорини бир кўрсин, бол нима, билмаганлар мева-чеваларимизни татиб кўрсин, деган хаёлга борасан. Қуёш оралаб ўтувчи Ўзбекистон боғлари ва заминида етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг нима сабабдан бунчалик тотли, мазали, қувватбахш эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар кетган чоғлар, Ўзбекистон тўрт фаслни ҳам бағрига оладиган, ҳар бир фасл ўз вақти ва ўрнида келадиган юрт деган тахминлар ҳам айтилади. Эҳтимол, шундайдир...

Нима бўлганда ҳам бозорларнинг ободлиги, орасталиги ҳар кимни ҳайратга солиши турган гап. Ҳар қайси миллатни ҳаяжонга чулғаши, ҳавасини келтириб, тўлқинлантириши ҳам бор гап!

Ахир, бугунги даврда ҳар қайси жамиятда, ҳамма жойда, ҳамма мамлакатда ҳам бундай хотиржамлик ва тўкинчиликни кузатиш маҳол-ку... Қайси ўлкада бундай тўкинлик бор, демак, ўша юрт осойишта, халқ фаровон, тинчлик эса ҳукмрон!

Аслиддин СУЮНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири,
Бахтиёр АКРАМОВ
олган суратлар

Доннинг стратегик ўрни

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига бағишлаб Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, “Гулбаҳор” ҚФЙда ўтказилган тадбирга адлия бошқармаси, “Маҳалла” жамғармаси, туман ҳокимлиги, прокуратура, ИИБ, ФҲДЁ ва нотариат вакиллари, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, посбонлари таклиф этилди.

ТАДБИРДА сўзга чиққанлар доннинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги стратегик ўрнини эътироф этиб, қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кўргазмали қуроллар орқали етказиш учун плакатлар ва буклетлар тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиш, ғалла экинзорлари пайҳон этилиши билан боғлиқ ҳолатлар ва унга нисбатан кўрилган чоралар телевидение орқали намойиш қилиниши бундай нохуш ҳолатлар содир этилишига сабабчи бўлган шахсларнинг жазо муқаррарлигини англаб етишларига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида сўз юритишди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Гавҳар МЎМИНОВА,
Ғаллаорол тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Илмий-амалий конференция

САМАРҚАНД вилояти адлия бошқармаси шаҳар “Бахт уйи”да Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди.

КОНФЕРЕНЦИЯДА ушбу Фармонга мувофиқ қабул қилинган **“Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда ушбу қонун ҳужжатининг жамиятимиздаги аҳамияти юзасидан кўламдор тадбирларни амалга ошириш борасида фикр алмашилди. Унда вилоят адлия бошқармаси ходимлари ва бошқа бир нечта адвокатлик фирмаси вакиллари сўзга чиқиб, адвокатлик фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр билдириб, ҳозирги замон адвокатининг олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида маъруза қилдилар.

Комилжон НОРТИЛЛАЕВ,
ЎзМУ 1-курс талабаси

Адвокат қандай фаолият олиб боради?

2 →

Мулоқот минбари

Адвокат қандай фаолият олиб боради?

қонунчиликдаги ўзгаришлар ва янгиликлар

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида бораётган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги салмоқли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

СУД-ҲУҚУҚ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадини ўз ичига олган ушбу Фармон тегишли давлат органлари зиммасига адвокатура институтини янада такомиллаштириш вазифасини юклади.

Натижада **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди

Ушбу Қонунга асосан **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонунга ҳамда Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини янада кучайтиришга қаратилди.

Айниқса, **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонун адвокатлар учун кенг қамровли ваколатлар бериши баробарида қатор масъулиятлар ҳам юклади. Унга мувофиқ, фақат олий юридик маълумотга эга бўлган, белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросигина адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши лозим. Адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Эндиликда, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорларига асосан бериладиган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида **икки йиллик иш тажрибасига эга бўлиши,** шунингдек, адвокатлик тузилмасида **камида олти ой муддатда амалиёт ўтаган бўлиши ҳамда малака имтиҳонини топшириши** шарт. Малака имтиҳонини топширолмаган талабгорнинг уни такроран топширишига камида бир йилдан сўнг рухсат берилади.

Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун уч ой мобайнида тегишли адлия органига ва уларнинг олдини олишга қаратилди. Эндиликда ушбу Қонун талабига кўра, адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, яъни адвокат сўровига жавоб тақдим этмаслик, ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки бошқача таъсир ўтказиш каби ҳаракатлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197[1]-моддасида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Маълумки, жиноят процессини гувоҳлар иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар қандай ишни ҳал қилишда гувоҳларнинг холисона кўргазмалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли ҳам улар ҳимоясига эътибор талаб қиладиган жиддий масала саналади. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши адвокатга жиноят процессида гувоҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатини берди. Жиноят-процессуал кодексига ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, янги 66[1]-моддаси билан тўлдирилди.

Ушбу модда талабига кўра, гумонланувчи, айбланувчи ва жабрланувчи сингари гувоҳ ҳам адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Гувоҳнинг адвокати белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатади. Ушбу Қонун талабига мувофиқ гувоҳ ишга чақирилган пайтдан бошлаб жиноят процессида адвокат иштирок этиши мумкин.

Қонунда гувоҳнинг адвокати гувоҳнинг қайси жиноят иши бўйича чақирилганлигини билиш, унинг сўроқ қилинишида, шунингдек ўша гувоҳ иштирокида ўтказилаётган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш, унга қисқа маслаҳатлар бериш, сўроқ қилаётган шахснинг рухсати билан гувоҳга саволлар бериш, гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этаётган таржимонни рад этиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда арз қилиш, сўроқ тугаганидан сўнг гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларни баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 46, 48 ва бошқа кўплаб моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, жиноят процессида адвокатнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди, ҳимоянинг таъсири кучайтирилди. Айбсизлик презумпциясининг аҳамияти оширилди. Ҳимоячининг иш бўйича киритган илтимосномалари ҳам эътибордан четда қолмайдиган бўлди.

Бундан ташқари, Жиноят кодекси 240-моддасининг иккинчи қисми **"шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганда"**, деган сўзлар билан тўлдирилди. Эндиликда гувоҳнинг ўзига нисбатан кўрсатув беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаши жиноят саналмайди. Жиноят кодексига бу норманинг киритилиши, ҳар бир гувоҳнинг дахлсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Фаол тарғибот

Посонгилар паст-баланд бўлмайди

Самарқанд шаҳрининг "Ёшлар маркази"да Адлия вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳамкорлигида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

АНЖУМАНДА республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, ФҲДЁ бўлими бошлиқлари, адвокатлар, Суд департаменти бошлиқлари иштирок этдилар.

ТАДБИРДА марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган адлия тизимига оид материаллар сифатини яхшилаш, мутасадди идораларнинг ахборот хизматига бириктирилган ходимларининг малакасини ошириш ҳамда журналистлар билан ҳамкорликни кучайтириш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, матбуотда чоп этилаётган мақолаларнинг ҳаққонийлиги ва савияси ҳақида ҳам фикр юритилди.

Журналист мақола ёзганда бирор-бир манфаатни кўзламай, ғараздан йироқ, саминий, инкор этиб бўлмас далиллар асосида ёзиши керак. У холис фикрли, бошқача айтганда, тарозининг икки палласини бирдек қўйиб, адолат юзасидан иш олиб бориши лозим. Зарб заҳри ўткинчи, сўз заҳри умрбод, дейдилар. Буни қалам тебратадиган ҳар бир ижодкор унутмаслиги даркор.

Яширишнинг ҳожати йўқ, айрим ҳамкасбларимиз баъзан шошмашошарлик қилиб, вазиятни ҳар томонлама пухта таҳлил қилмай, энг ёмони, уни қонуний нуқтаи назардан ўрганмай мақола ёзаётирлар. Жумладан, анжуманда таъкидланганидек, шу йилнинг январь ойида марказий нашрлардан бирида Жиззах вилояти ФҲДЁ бўлими фаолияти ҳақида бир томонлама ёзилган мақола қонун нуқтаи назаридан тўлиқ ўрганиб чиқилмаганлиги, етарлича далиллар мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Матбуотда чоп этилаётган ҳар бир хабар, ҳар бир мақола газетхонларимиз томонидан эътибор билан ўқилаётгани журналистлардан катта масъулият талаб қилиши ҳамда адлия тизими билан матбуот нашрларининг ҳамкорлигини кучайтириш борасида журналистлар учун тизимнинг барча эшиклари очиқ эканлиги анжуманда алоҳида таъкидланди.

Тадбир қизғин-баҳс мунозаралар остида ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси, вилоятнинг "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев:

— Бундай анжуманлар адлия тизими билан журналистлар ҳамкорлигининг янада мустаҳкамланишига, тайёрланадиган ҳар бир ҳуқуқий мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар даражасини янада яхшилашга, айтилаётган ҳар бир сўзга масъулиятли бўлишга ҳамда журналистларнинг аниқ далиллар асосида иш юритишларига туртки бўлади.

Нарпай туманидаги "Пахтакор овози" газетаси мухбири Зоҳид Қувондиқов:

— Бундай йиғин ва анжуманлар фақат республика ёки вилоят марказларида эмас, балки узоқ туман ва шаҳарларда ҳам ўтказилса фойдадан холи бўлмасди. Чунки бундай тадбирларда маҳаллий халқ, туман нашрлар мухбирларининг иштироки ҳуқуқий тарғибот самарасини янада оширишга хизмат қилади.

"Ургут садоси" газетаси бош муҳаррири Файзи Ҳайдаров:

— Ҳуқуқий соҳа ҳақида материаллар тайёрлаш ўзига яраша масъулият талаб қилади. Уни халқчил тилда оммага етказишда, халқ орасида ҳуқуқий тарғибот олиб боришда бундай анжуманларнинг ўрни беқиёс.

Дарҳақиқат, матбуот — миллионлар минбари, халқимиз унинг сўзига ишонади, мамнуният билан мутолаа қилади.

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Бола ҳуқуқлари

Ғамхўрликнинг олий нуқтаси

ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишлари асосидир

БОЛАЛАР бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий тангликда энг кўп азият чекиши мумкин бўлган аҳоли қатлами ҳисобланади. Шу боисдан ҳам республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларида ратификация қилинган ҳужжатлардан бири, бу "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенциядир.

Ушбу конвенцияга биноан мамлакатимизда келажагимиз давомчилари бўлган ёш авлоднинг таълим-тарбияси, манфаатлари, камолоти, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг узвий давоми сифатида 2008 йил 8 январда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун амалга киритилди.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" деб номланувчи бобда никоҳ асосида ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар томонлама ҳимоядан фойдаланиши, бола ҳуқуқларининг чекланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда асосий мақсад, бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Қонунда эътироф этилишича, мамлакатимиз қонунчилигида бола деганда ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган шахслар тушунилади. Яъни бунда ҳар бир боланинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланиб, бола туғилиши билан рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб, исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, ўз отаонасининг ғамхўрликларидан бахраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақлидир.

Оила ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ёки ёрдамни олиш ҳуқуқига эгадир.

Ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожланмаган болалар ҳам ўзининг қадр-қимматини таъминлайдиган, ишонч туғдирадиган ва жамият ҳаётидаги фаол иштирок этишини енгиллаштирадиган шароитда тўлақонли ҳамда муносиб тарзда яшаши лозим. Бундай болага унинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиб, имконият даражасида бепул ёрдам берилади. Асосий мақсад, болани ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, унинг ривожланиши, маданий ва маънавий камол топишига замин яратиш.

Мамлакатимизда боладан ғайриқонуний мақсадларда фойдаланиш, уни ўғирлаш, сотиш ва бошқа ғайриқонуний ҳолатлардан ҳимоя қилиш борасида бир қатор қонун нормалари ҳам мавжуд. Ўтган йилда қабул қилинган **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонунда ҳам одам савдосидан жабрланган болаларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида аҳамият берилган.

Маълумки, жаҳондаги бир қанча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги, уларнинг алоҳида эътиборга муҳтожлиги кўпчиликка аён. Бироқ республикамизда мустақилликнинг йилларидаоқ ёшларни келажак ворислари этиб тарбиялашдек улкан ишларга қўл урилди ва бу эзгу ишларнинг исботи сифатида **"Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги, **"Таълим тўғрисида"**ги қонунлар, она ва бола саломатлигини асраш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширадиган нодавлат-нотижорат ташкилот — "Соғлом авлод учун" республика жамғармаси ташкил этилди.

Умуман олганда, юртимизда боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун барча қонуний асослар яратилди.

Шодибек МАМАТОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Назорат

Қонунбузилиш аниқланди Тақдимномалар киритилди

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳар қандай масалада юзага келган муаммосидан хабардор бўлиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

ФУҚАРОЛАР, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб ҳамда шартномавий муносабатлар юзасидан 2008 йилда судларга киритилган 1130 та 2 809 581 670 сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат ва бошқа давлат бошқаруви органлари, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идораларда ўтказилган қонун ҳужжатларига риоя этиш аҳволини ўрганиш натижалари бўйича жами 9621 та қонунбузилиш аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан киритилган 240 та тақдимномага асосан 322 нафар мансабдор шахс интизомий жазога тортилиши, шундан 16 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши таъминланди. Тақдимномаларга асосан 35 та ҳужжат бекор қилиниб, тадбиркорларга 121 642 267 сўм миқдоридаги маблағлар қайтарилди.

1659 нафар мансабдор шахсга нисбатан қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантирувлар, қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан эса 49 та ёзма кўрсатма киритилди.

Маъмурий иш қўзғатиш юзасидан киритилган 74 та таклифга асосан 103 нафар шахс маъмурий, жиноят иши қўзғатиш юзасидан 4 та таклифга асосан 6 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.



Масалан, 2008 йил 23 сентябрь куни Томди туманидаги "Бахаши" фермер хўжалиги бошлиғи Ю.Мавлоновнинг Томди тумани ҳокимлиги хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, йўлланган шикояти ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Ю.Мавлонов 2007 йил 25 май куни туман ҳокимлигига умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун ер ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилади. Туман ҳокимининг 2007 йил 16 июлдаги қарори билан фермер хўжалигига умумий овқатланиш ошхонаси қуриш учун 0,5 гектар ер доимий фойдаланиш учун ажратилганлиги, фермер хўжалиги томонидан ушбу ажратилган ер участкасида қурилиш ишлари бошланган вақтда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан қурилишни тўхтатиш ва бошқа жойга кўчириш тўғрисида огоҳлантириш хати берилганлиги аён бўлди. Албатта, бу тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилинаётганлигини англатади.

2008 йил 28 октябрь куни Томди тумани ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, фермер хўжалиги фаолиятига қилинаётган тўсқинлик бартараф этилди ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Д.Сахиевга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилди.

Яна бир мисол: 2008 йил декабрь ойида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг Кармана тумани ҳудудий комиссияси фаолияти ўрганилганда, комиссия томонидан туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2008 йил 11 июнь куни тумандаги "Зарафшон Навоий" хусусий корхонасига қарашли чойхонада қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун берган буюртмасига **"Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 18-бандида белгиланган норма талаби бузилиб, вилоят комиссиясининг тегишли рухсати ва қарорисиз қисқа муддатли текшириш ўтказилишига рухсат берилганлиги аниқланди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг вилоят ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари, Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Содир этилаётган қонунбузарликлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бу соҳадаги ишларимизни, айниқса, қонун ҳужжатларини кенг жамоатчиликка етказиш ва уларнинг моҳиятини тушунтириш борасидаги фаолиятимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Жамшид РАҲМОНОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ёшлари

ватанимиз равнақи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кучдир

МАМЛАКАТИМИЗДА ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳар томонлама етук, чуқур билим ва мустақил дунёқарашга эга, соғлом ва баркамол фарзандларни вояга етказишдан иборат. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституцияси, амалдаги қонунлар, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, имтиёзлар белгиланди ҳамда уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган бир неча давлат дастурлари доирасида бу йўналишда катта ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

Албатта, ҳар қандай ҳуқуқий асоснинг ижтимоий ҳаётда қарор топиши ёшларимизнинг, жумладан, қишлоқ ёшларининг ҳуқуқий онг ва тафаккури қай даражада ривожланганлиги, ҳуқуқий маданият ўсиб бориши билан боғлиқ жараён саналади. Президентимизнинг **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"**ги Фармони, **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"** бу борада ҳуқуқий-меъёрий мезон бўлиб хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларимизда истиқомат қилади. Аҳолининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Жумладан, қишлоқ ёшлари **Ватанимиз тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган катта потенциал кучдир.** Ютуқлар билан бир қаторда қишлоқ инфратузилмаси, аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий фаоллигини янада ошириш ва шу каби жиҳатларга оид муаммолар қишлоқ ёшлари ҳаётига ҳам бевосита таллуқли бўлиб, алоҳида эътибор талаб қилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, коллежларни битириб чиқаётган ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, бошқача айтганда, ёшларнинг меҳнат қилишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш бугунги кунда энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб турибди.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **"Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз"** номли маърузасида **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"** Давлат дастури ҳақида сўз юритиб, ҳуқуқшунослар ва қонун ижодкорлари зиммасидаги катта масъулият хусусида тўхталди: **"Бу дастурда акс эттириш лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапирганда, аввало, қишлоқларда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шу масалалар билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур".** Табиийки, **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"** Давлат дастурининг ижросини таъминлашда ёшларимизнинг ғайрат-шижоат, интеллектуал салоҳият билан фаол иштирок этишлари катта аҳамият касб этади.

Қишлоқ ёшларининг меҳнат ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишининг асосий кўрсаткичларидан бири уларнинг иш билан бандлигидир. Шу ўринда айни пайтда бу борада қилинаётган ибратли ишларимиз ҳам оз эмаслигини қайд этиш жоиз. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ мавжуд имкониятларни ишга солиш, қишлоқда саноатни ривожлантириш, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини очиш, хизмат ва сервис шохобчалари фаолиятини йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Бундай тадбирлар амалиёти орқали, Юртбошимиз таъкидлаганидек: **"...Қишлоқ аҳолиси, авваламбор ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини оширишдек муҳим мақсадлар дастурда ўз ифодасини топиши лозим".**

Қонун ижодкорлари, ҳуқуқшунослар, Адлия вазирлиги мутахассислари бу муҳим тадбирларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган қонуний асосларни янада мустаҳкамлашда зарур ва ҳаётий таклифлар юзасидан иш олиб боришмоқда. Шубҳасиз, бунда қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир чора-тадбирларни такомиллаштириш ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Маълумки, давлат таълим тизими орқали, шунингдек, жамиятда юзага келган қадриятлар ва меъёрларга мувофиқ ёшларга ҳуқуқий ва маънавий билим бериш имкониятига эга. Ҳуқуқий саводхонликнинг етарли даражада юксалиши ёшларнинг институтлаштирилган ижтимоий ҳаётга қадам қўйишини таъминлайди.

Барчамизга маълумки, аҳолининг ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган барча соҳалардаги туб ислоҳотларга оид қонунлар моҳиятини чуқур англаб етишига кўмаклашиш давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шу мақсадда 2008 йилда Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида имзоланган **Меморандумлар,** Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан тузилган ҳамкорлик режалари асосида республикамиз миқёсида кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Тадбирлар давомида, айниқса, ёшларнинг нафақат ўз ҳуқуқларини билишга бўлган интилишлари, балки уларнинг юртимиз тараққиёти, мавжуд ижтимоий масалаларга оид фикр-мулоҳазалари, ўз қарашлари борлигига гувоҳ бўлаётганимиз кишини қувонтиради. Дейлик, ёшларимиз юртимизда янада кўпроқ харидоргир экспортбоп маҳсулотлар тайёрланиши, бу ишга, айниқса, қишлоқ ёшлари жалб қилиниши ҳақида фикр билдиришмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ ёшлари ўртасида ўтказилган тадбирлар, аввало, уларнинг ҳуқуқий билимлари ортиши, маънавий ўсиши, дунёқараши кенгайишида ижобий таъсир кўрсатади. Ва энг муҳими, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўплигини англатади. Аҳоли ўртасида бундай жонли мулоқотларга маънавий эҳтиёж катта эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ҳуқуқий тарғибот воситаларини такомиллаштириш ҳақида сўз юритсак, бугунги ахборот асрида ёшларнинг китоб ва қўлланмаларга бўлган муносабатини назардан четда қолдириб бўлмайди. Шу маънода ҳуқуқий билим беришнинг тезкор, оммабоп воситаларидан, хусусан, ОАВнинг таъсирчан кучидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ, албатта.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2007 йилда ўтказилган сўровлар натижалари бўйича, қишлоқ аҳолисининг 28,1 фоизи ўзининг ҳуқуқий саводхонлигини яхши, 42 фоизи эса ўртача деб баҳолайди. Бундай сўровларда ёшлар ҳам иштирок этганлигини инобатга олсак, бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга доир амалга ошираётган ишларимизни янада кучайтириш давр талаби эканлигини теранроқ англаймиз.

Адлия идоралари ва муассасалари томонидан 2008 йил давомида жами 33 мингдан ортиқ оғзаки ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилган бўлса, шундан 16 мингдан ортиғи қишлоқ жойларида, бевосита ёшлар орасида олиб борилганини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Қишлоқ аҳолисининг, жумладан ёшларининг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2009 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси"**ни изчил татбиқ этишга киришилди. Мазкур режада нафақат ҳудудий адлия органларининг ходимлари, балки вазирлик марказий аппарати ходимларининг ҳам қишлоқ жойларида жойлашган фуқаролар йиғинлари, мактаблар, лицей ва коллежларда давра суҳбатларини масъул идоралар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ташкил қилиб, янги қабул қилинган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини уларга етказиш борасидаги вазифалари белгиланди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, қишлоқ жойларида, жумладан, ёшлар билан боғлиқ ҳали қилинадиган ишлар, ечимини кутаётган масалалар, даврнинг ўзи олдимизга қўяётган янгидан-янги вазифалар оз эмас. Шу боис, 2009 йил мамлакатимизда **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги"** йили деб эълон қилинди.

Хулоса ўрнида қишлоқ ёшлари ҳуқуқлари борасида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилашга оид қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз:

— Қишлоқ ёшлари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини такомиллаштиришда идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш, жумладан, марказий ва маҳаллий телевидениеларда ва радиода ҳуқуқшунослар, иқтисодий-ижтимоий соҳалар етук мутахассисларини жалб этган ҳолда амалий суҳбатлар, савол-жавоб тарзидаги кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар бериш, радио, телевидениеларда Конституция тарғиботи сингари айрим қонун ҳужжатларига, шунингдек, оммабоп ҳуқуқий атамаларга бағишланган реклама роликларини бериб бориш мақсадга мувофиқ, албатта. Шу билан бирга, ҳуқуқий билим ва умуман, билим ўрганишдан чалғитиш эҳтимоли бўлган айрим телесериаллар намойишини балки бироз камайтириш лозим, деб ўйлаймиз.

Пойтахтимиз ва вилоят марказий шаҳарларидаги каби қишлоқ жойларида ҳам ёшлар ҳуқуқига оид рекламалар лавҳаларини жамоат жойлари, йўл бўйларида ўрнатишга эътибор қаратиш керак;

— "Ижтимоий фикр" маркази томонидан қишлоқ ёшларининг Конституция ва амалдаги қонунлар мазмун-моҳияти билан қай даражада таниш эканлигини аниқлаш, хусусан, **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонунлар, **"Меҳнат кодекси", "Жиноят кодекси", "Оила кодекси"** мазмун-моҳиятини билишга бўлган қизиқишларини ўрганиш, бу йўсинда сўров ўтказиш, албатта, фойдали натижалар беради, маълум даражада ҳуқуқий тарғибот вазифасини ҳам ўтайди;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, эртанги кунимиз, келажагимиз, жамиятимиз равнақи ёшларимизга қай даражада тарбия бераётганимизга боғлиқ. Бу рўйи заминда миллат бўлиб, халқ бўлиб, ўз ўрнимиз ва мавқеимизни белгилаб олишимиз, эртанги кунга янада озод ва обод Ватан қолдириш учун энг аввало, биз ўз ҳаётимизнинг давомчилари ёш авлод — ўғил-қизларимиз тарбиясига истиқлол ва озодлик қадрини сингдиришни ҳаётмамот масаласи деб билмоғимиз керак.

Тамара ТИЛЛАЕВА,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, юридик фанлари номзоди

Суд департаменти фаолияти

Ижро интизомини таъминлаш

учун юксак ҳуқуқий механизм яратилмоқда

ДЕМОКРАТИК ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд қарорлари ижроси муҳим ўрин эгаллайди ва суд қарорлари ижросини таъминлашнинг юксак ҳуқуқий механизми яратилишини талаб қилади.

МАМЛАКАТИМИЗ Президентининг 2006 йил 31 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан Суд департаментининг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича хўжалик судлари, умумий юрисдикция судлари, солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. Ички хавфсизлик инспекцияси, статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилди, ҳудудий бўлинмалар тузилмасига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида суд ижрочиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 1 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига кўра, Суд департаментининг иш фаолиятини янада мукаммаллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

Биринчидан, ижро йиғими ундириш тўғрисидаги қарорларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби белгиланди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 14 январдаги "Ижро иши юритиш такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига кўра, ижро ишини юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Суд департаментига ўхшаш фаолият билан шуғулланувчи хорижий ҳамда МДҲ давлатларининг махсус органлари фаолияти ва амалиёти ҳар томонлама, чуқур ўрганилган ҳолда Суд департаменти ва унинг ҳудудий бошқармаларининг суд ҳужжатлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларга вояга етмаганларни ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, суд ҳужжатини бажармаслик, шунингдек, банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш билан боғлиқ ишлар бўйича суриштирув олиб бориш ҳуқуқи берилди. Бу эса суднинг ҳал қилув қарорлари ижросидан бўйин товлаш ёки уларга монелик қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг ўз вақтида олдини олиш имконини беради ҳамда суднинг ҳал қилув қарорлари ижросидан бўйин товлаганлик ёки уларга монелик қилганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлайди.

Ўйлаймизки, Суд департаментининг ҳар бир ходими ва суд ижрочилари қонун ижросининг мукаммал таъминланишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Отабек МЎМИНОВ,
Суд департаментининг Умумий юрисдикция судлари қарорларини ижро этиш бўлими бош инспектори

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетасининг 2009 йил 20 январь сонида чоп этилган тиббий йўсиндаги мажбурлов ҳақидаги мақола бугунги даврнинг долзарб мавзуи бўлиб, ҳар биримизни тиббий кўрик кундалик ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эга эканлиги борасида яна бир бор мушоҳада юритишга ундайди. Шу ўринда соғлом турмуш тарзимизнинг кафолати бўлган ҳуқуқий асослардан бири, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган "Нисоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомнинг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача айтиб ўтишни жоиз топдик.

Акс-садо

Инсон қалби... ва ҳаётига бефарқ қараб бўлмайди

МАЪЛУМКИ, оила инсон ҳаётининг узвий бўлаги бўлган қутлуғ даргоҳдир. Соғлом оила қуриш ҳам оила шаънини сақламоқдек улкан бурч ва масъулият талаб қиладиган олий шараф ҳисобланади.

Юқоридаги Низомга кўра, нисоҳланувчи шахслар психик, наркологик, сил, таносил ва ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади. Агар тиббий кўрикдан ўтиш тартиби бузилиб, нисоҳ тузилса, бундай нисоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Лекин айрим фуқароларимиз билибми, билмайми оила қуришнинг муҳим шартларига, амалдаги мавжуд қонунларнинг қоидаларига риоя қилмайдилар. Бу каби қонунбузилиш ҳолатлари ёш оила пароканда бўлишига, ҳатто тузатиб бўлмас фожиавий оқибатларга олиб келади.

Турсунбой чет давлатда маълум бир муддат ишлаб келгач, оилада ёлғиз фарзанд бўлгани учунми ёки бошқа сабаблари борми, ишқилиб ота-онаси уни тезда уйлантириш тараддудига тушиб қолишди.

Ўғилой опа анчадан бери кўз остига олиб қўйган, қишлоқнинг энг олди қизини қоп-қоп ваъдалар билан келин қилиб туширди. Ҳаммаси шунчалик тез рўй бердики, ҳатто ёш келин-куёвлар никоҳларини қонуний расмийлаштиришга ҳам улгуришмади. Тиббий кўрикдан ўтиш ҳақида-ку, айтмаса ҳам бўлади. Минг афсуски, гўшанга кўтарилмай туриб, шошилинч тўй ортидаги сирлар биринкетин очила борди...

Турсунбой хорижда яшаб юрган пайтда гиёҳвандликка мубтало бўлган, наркотик моддаларни қабул қилиш орқали ОИТС касаллигига чалинган экан.

Ҳали ўн саккизга тўлмаган келинчакнинг аччиқ қисмати инсон қалбини ларзага солмай илож йўқ. Биз мунтазам равишда маҳалла фаоллари, ота-оналар ва ёшлар билан турли учрашувлар, давра суҳбатлари олиб борамиз. **"Гиёҳвандлик — инсоният кушандаси", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "ОИТСдан сақланинг"** мавзуида ўтказилган тадбирларга жойлардаги тегишли мутасадди ташкилот вакиллари ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимларини таклиф этамиз. Мақсадимиз ягона. Юқоридаги каби фожиаларга асло ўрин қолмасин. Зеро, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир.

Гулсара ҚИЛИЧЕВА,
Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман ФҲДЁ бўлими мудири

Афсус

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 40-моддасида ҳар бир фуқаронинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган. Мазкур конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш республикамизда малакали тиббиёт ходимлари, замонавий тиббиёт ускуналари, самарали дори-дармонлар ва ҳар бир фуқаро тиббиёт хизматидан баҳраманд бўла олишига муайян даражада боғлиқдир.

Виждон олдидаги жазо-чи?

"БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ги Қонуннинг 22-моддасида ҳар бир бола соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратиш лозимлиги, боланинг соғлиғини сақлаш давлат томонидан кафолатланиши белгиланган.

Бироқ, айрим соҳа, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимининг айрим ходимлари эътиборсизликлари туфайли фуқаролар, айрим ҳолларда болаларнинг соғликларига жиддий зиён етказиш ҳолатлари ҳам содир этилмоқда.

...Ю.А. вилоят қон қуйиш марказида донор сифатида ҳисобда турарди. У вақти-вақти билан марказга келиб, белгиланган маблағ эвазига қон топшириб кетарди. Ю.А.нинг 2007 йил 16 февралда топширган қон намунасида вирусли гепатит касаллиги борлиги аниқланади. У топширган қон намунаси яроқсизлантирилади. Ушбу донор вилоят қон хизмати марказининг ягона донорлик марказида "Д" ҳисобга олиниб, донорликдан четлаштирилади. Бу ҳақда марказ томонидан барча туман ва шаҳар шифохоналарининг қон тайёрлаш бўлимларига маълум қилинади. Табиийки, Ю.А. ҳақидаги ушбу маълумот Қарши тумани марказий шифохонасининг қон тайёрлаш бўлимида юритилаётган журналда ҳам қайд этилган. Бироқ, қон тайёрлаш бўлими бошлиғи Ҳайдарқул Пармонов ана шу журналга бир бор кўз ташлашни ўзига эп кўрмайди. Бу билан Ҳайдарқул Пармонов Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 8 июндаги 281-сонли ва 1999 йил 3 февралдаги 55-сонли ҳамда республика Бош санитария врачининг "Республикада донорлар қони ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги 42-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузади. Донор Ю.А. 2008 йилнинг 25 октябрида қон топширгани келганида сира иккиланмай ундан қон олинади. Ўз касбига нисбатан ўта бепарволик билан муносабатда бўлиш оқибатида ОИТС (СПИД) билан касалланган шахсдан қон олинади. Бу қон намуналари бир қатор шахслар, шунингдек, вояга етмаган болага қуйилади.



Бу ҳолатлар бўйича Ҳ.Пармонов тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 116-моддаси 4-қисми, "б" бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Жиноят ишлари бўйича Миришкор тумани судида мазкур иш кўрилди. Ҳ.Пармоновнинг 60 ёшдан ошганлиги инобатга олиниб, Конституция қабул қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан **"Амнистия тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қарорининг 6-банди қўлланилиб, у жиноий жазодан озод қилинди.

Инсонпарвар, одил жамиятда яшаяпмиз. Тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйган, Ҳайдарқул Пармонов ана шу инсонпарварлик туфайли жазодан қутулиб қолди. Аммо ўз касбига бепарволик билан муносабатда бўлиб инсонлар ҳаётини хавф остига қўйиш, адолатданми?

Алишер БОЙМУРОДОВ,
Қарши шаҳар прокуроратураси терговчиси,
Ойдин АНОРОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

// Конституция сабоқлари

ҲАР БИР МАМЛАКАТНИНГ конституцияси даставвал инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни бош мақсад қилиб олади.

Эркинлик ва ижтимоий адолат

Бош қомусимизда теран ифодасини топган

1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДА қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, бурчларини кафолатлайди. Шу боис, Конституциямизнинг иккинчи бўлими энг катта бўлим ҳисобланиб, **"Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари"** деб номланади.

Ушбу бўлимнинг 18-моддасидан 52-моддасигача фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ифодаловчи нормалар мужассамлашган. Мутахассислар фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг мукаммал конституциялардан бири ҳисобланади. Буни дунёга машҳур сиёсатшунос олимларнинг фикрларидан ҳам англаш мумкин.

Жумладан, француз сиёсатшуноси, профессор Пьер Лессажнинг таъкидлашича, **"Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган Конституция дунёнинг янги ривожланаётган давлатлари Конституциялари учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин".**

Худди шундай фикрларни британиялик олим профессор Уильям Бетлер ҳам таъкидлаган.

Бугунги кунда руспубликамизнинг барча таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш бўйича алоҳида дарс соатлари жорий этилган. Бу борада Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойиши айни муддао бўлди. Тан олиш керак, фуқароларимиз, айниқса, ёшлар Бош қомусимизни ўрганиш, унинг аҳамиятини мазмунан тушуниш, бир сўз билан айтганда, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиш нуқтаи назаридан етарли билимларга эгадирлар.

Таъкидлаш лозимки, Конституциямиз халқимиз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат – бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган инсонпарварлик ғоялари ўтмишдаги давлатчилигимиз тараққиётида ҳам ўз аксини топган.

Асосий қонунимиздаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, ижтимоий адолат, миллий ғурур, саховатпешалик, тенглик каби кўплаб қадриятлар Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида асосий бош ғоя бўлиб келган ва бундай сиёсий-ҳуқуқий меросимизни ўрганишга, ёшларимизга, халқимизга етказишга шарт-шароит яратиб берган Конституциямизни яхши билишимиз, уни мазмунан англашимиз ва албатта, унга амал қилишимиз шарт ва зарурдир. Зеро, барча замонларда ҳам Конституция ҳар қандай давлатнинг обрў-эътиборини намоён этувчи муҳим ҳужжат ҳисобланиб, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган асосий қонун ҳисобланган.

Даврон ҚАЛАНДАРОВ,
ТДЮИ магистранти,
Аббос АҲМЕДОВ,
ТДЮИ талабаси

// Инсоф унутилгач...

МУБОРАК ТУМАНИДАГИ Бобур маҳалласида жойлашган "Ботиржон Тўраев" хусусий корхонасига қарашли нон ишлаб чиқариш цехида 0,6 килограммли қолипли нон ўрнига 515 граммли нон тайёрланаётгани кишини ажаблантиради.

Бир бурдадан... юз минг сўм

Эл ризқига хиёнат кечирилмайди

УШБУ нон маҳсулоти Қашқадарё вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг лабораторияси хулосасига кўра, давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги тасдиқланди. Дейлик, мониторинг ўтказилган куни истеъмол учун тайёрлаб қўйилган 2500 дона нонинг ҳар бири оғирлиги 85 грамм миқдорида кам. Бу 2500 дона нондан жами 212 килограмм ун "уриб" қолинганини англатади. Бу эса 353 дона тайёр нонни 88250 сўмни ташкил этади. Бир кунлик бундай "даромад" бир ой ёки бир йил мобайнида қанчани ташкил этишини тасаввур қилсак, эл ризқига бундай муносабатда бўлиш инсоф ва диёнатдан эмаслигини англайсиз.

Мазкур ҳолат бўйича республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Муборак тумани бўлими томонидан "Ботиржон Тўраев" хусусий корхонаси раҳбарига энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва мол-мулкига хавф туғдирувчи товарларнинг сотилишига йўл қўймаслик, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича бир қатор мониторинглар ўтказиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Айниқса, жамиятнинг жойлардаги корхоналарда ташкил этилган таянч гуруҳлари орқали маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини янада тўлароқ англаб етишларига хизмат қилаётир.

Жамиятнинг туманда 48та таянч пункти мавжуд. Уларнинг 20 таси маҳаллаларда, 9 таси ўқув муассасаларида, 19 таси корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораяпти. Энг муҳими, кейинги пайтда жамиятга аъзо бўлувчилар сафи кенгайиб, 3900 нафарга етди. Бу эса фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга иштиёқи ортиб бораётганидан ҳам далолат беради.

"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда. Бинобарин, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини янада кенгайтириш ўзига хос аҳамиятга эга.

Умид САТТОРОВ,
Муборак тумани
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси,
Фахриддин БОЗОРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЭЪЛОН!

ТОШКЕНТ ШАҲАР адлия бошқармаси Сирғали тумани 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига;
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 269-14-45, 262-70-41.
Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 253-84-30, 280-51-31.

// Газетхон изҳори

Абдураззоқ ЭЛМУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани

ЮЛДУЗИНГ ЎЧМАСИН

Муҳаббат тутқазди қўлимга қалам,
Қаламим учига жо бўлган олам,
Яхшилар, етарми сизларга нолам,
Қалбимни тирнайди каму кўстларим,
Ёнимда бўлинглар доим дўстларим.

Айтилмай қолмоқда қанча сўзларим,
Яхшилик йўлида борми изларим,
Ёнмасдан ўчса ҳам гоҳ юлдузларим,
Кўнглимда орзу бор — ёруғ ҳилолим,
Эртамнинг умиди, бордир мажолим.

Гоҳ кўзда томчи ёш, дил ҳам қоронғу
Ким дўсту ким душман, билмасман гоҳи
Ҳамдамим гоҳ шодлик, гоҳида қайғу,
Ҳар кимнинг ортидан фарзанди қолсин,
Улғайиб қўлидан ишларин олсин.

Меросхўр топилар мерос бўлса гар,
Ўғиллар бўлмасин сира оқпадар,
Мол-дунё сўроқда бермайди самар,
мен иймон сўрайман ўғлим-қизимга,
Улар рози бўлсин ошу тузимга.

Юртимизни севсин зурёдларимиз,
Гуллаб обод бўлсин ҳаётларимиз,
Ўтмишларда қолди фарёдларимиз,
Бизни қўллагувчи инсонлар бордир
Уларнинг ишига иймон ҳам ёрдир...

ҚИШЛОҒИМ

Оппоқ-оппоқ қорли чўққи,
Тоғлар бағри менинг юртим.
Бунда уйғоқ бобом руҳи,
Ҳар заррангда қадрим кўрдим.

Она юртим катта қишлоқ,
Ягонадир Жом дер уни.
Омондара — катта булоқ,
Ойдан-да нур ичар туни.

Истиқлолни қўмсаб ўтди,
Қанча-қанча аждодларим.
Ўтмишларда қолди қанча
Вайронларим, бунёдларим...

Жом отанинг руҳи қўллар
Қишлоғимнинг камолини.
Қадим тарих шод бўларди,
Кўрса бугун жамолини.

Қанча-қанча зафарларга
Шу тоғларим бўлган паноҳ.
Бу ерларнинг кечмишига
Кўҳна мозий ўзи гувоҳ.

Қишлоғимда тараққиёт,
Фаровонлик — шошди ақлим.
Кўксинг доим тоғдек баланд
Бўлсин менинг она халқим.

ОТА МАКОН

Ота юртим тўлиб-тўлиб оққан дарёмсан,
Соҳилида ўйнаб-ўйнаб ўсган дарёмсан.
Қуёшингдан буғдойларинг нур рангин олгай.
Чимдим нуринг муштипарга дармон-кимёмсан.

Чўл, сахрога ҳаёт берган дашт, ирмоқларинг,
Одамзотга неъмат берган гул қирғоқларинг.
Тўлиб-тошиб куйлагайман сени, ҳур юртим,
Ҳаётга ҳам ризқ улашар бўз тупроқларинг.

Донишмандлар, авлиёлар сувингдан ичган,
Соҳибқирон Амир Темур оламни кечган.
Дўмбирангнинг садолари уйғотар ойни,
Улуғларинг асрларнинг жумбоғин ечган.

Тошларни ҳам сайратади лойқа ариғинг,
Узоқлардан келаётир тирик тарихинг.
Ғолиб бўлдинг курашлару кўпкариларда,
Қанча ғаму кулфатлардан гоҳо қаридинг.

Киндик қоним томган юртим — сабза юрт Кешсан,
Самарқанду Бухорога, Хивага хешсан.
Ўтмишингдек иқболинг ҳам порласин мангу,
Истиқлолнинг истиқболи, кўркига эшсан.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатаси ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясига тегишли низолар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси қошидаги Малака комиссияси қарорига асосан Сирғали тумани 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Дамин Халияровга 2001 йил 5 июлда берилган TN 000151 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 9 февралдаги 01-сонли йиғилиш қарори билан Сайхунобод туман давлат нотариал идораси нотариуси Юсупова Махбуба Турғинбоевнага 1997 йил 20 июнь куни берилган SI 000022 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензиясининг амал қилиши уч ой муддатга тўхтатилди.

// Ўқинг, қизиқ!

Гладиаторлар ким бўлган?

ҚАДИМГИ Римда томошабинларни завқлантириш учун гладиаторлар жанги тез-тез ўтказиб турилган.

БУ ОДДИЙ томоша бўлиб акробатлар, дорбозлар ва циркчилардан фарқли ўлароқ, қон тўкиш билан якунланган. Гладиаторлар бир-бирини соғ қўйишмаган, шунинг учун томошабинлар сони кўпайгандан-кўпайганки, ҳатто ким-кимни мағлуб қилиши тўғрисида баҳслашиб, қимор ҳам ўйнаганлар.

Гладиатор сўзи лотинча "Гладиус" сўзидан олинган бўлиб "қилич" маъносини берган. Ҳар бир жангда юзлаб одамлар қатнашган ва ҳалок бўлган.

Хўш гладиаторлар ким бўлган? Улар нега қонли жангларга рози бўлишган?!

Гладиаторлар биринчи навбатда ҳарбий асирлар орасидан танлаб олинган. Чунки Римда ҳамиша асирлар етарли даражада бўлган. Шунингдек, жиноятчилар, ўғрилар, қотиллар ва исёнчиларни ҳам гладиатор бўлишга мажбурлаганлар. "Ад гладиум" — "қиличга" деган жазо тури мавжуд бўлган. Рим ҳудудига кирган Иудея шоҳи Агриппа Байрут шаҳридаги амфитеатрда ҳар бири 700 кишидан иборат бўлган икки гуруҳни бир-бирига қарши қўяди ва шундай қилиб жиноятчилар қилич билан бир-бирини қириб ташлашади.

Гладиаторлар орасида қуллар кўпчиликни ташкил этган, озод одамлар камдан-кам ҳолларда гладиаторликка рози бўлишган. Айрим ҳолларда аёллар ҳам гладиаторлик қилишган. Фасос оролидан бўлган Гекатея номли аёл ўз ихтиёри билан гладиатор бўлиб, шон-шуҳрат қозонган.

Интернетдан
Шукур СОДИҚ
таржимаси

// Изтироб

ХАЛҚИМИЗДА яхши-ёмон кунларни бир-бири билан баҳам кўриш, бир-бирларига суянч бўлишдек ўлмас қадриятлар бор. Айниқса, муҳтожларга ҳиммат, ожизларга меҳр-шафқат миллатимизнинг ўзига хос фазилати.

Тақдир ўқмоқлари...

тўрт нафар набираси билан ёлғиз қолган бувининг ҳасратлари

ЗЕРО, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида **"...Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради"** деб белгилаб қўйилган.

Янгийўллик Нафиса опа ёлғиз қизини узатиб, биринкетин 4 нафар набираси дунёга келгач, энди қариганимда фарзандларимнинг роҳатини кўраман, деб ўйлаган эди. Афсуски, тақдир гирдоби унинг бошига кетма-кет ташвишларни тўкиб ташлади. 2005 йил ёзида куёви Тоҳиржон фожиали ҳалок бўлди. У яхши ниятлар билан эски уйни бузиб, янги бошлаган иморатининг қурилиши битмай чала қолди. Она эрининг фожиавий ўлимидан гангиб қолган қизи Шаҳнозага мадад бўлиб, чала иморатни битказишга ҳаракат қилди.

Шаҳноза Аҳмаджонова онасининг ёрдамида бир амаллаб янги иморатнинг деворини кўтарди. Уйнинг томини ёпишга эса қурбилари етмади. Зеро, аччиқ қисмат бунга имкон бермади.

— Шаҳноза Янгийўл ёғмой комбинатига ишга жойлашганига эндигина 9 кун бўлган эди, — дейди онаизор. — Уйимизнинг томи ёпилмай қолгани учун вақтинча ун комбинатининг бир хонасида яшаб турган эдик. Бир куни қизим ишдан барвақтроқ келиб, холасидан хабар олиш учун кетган эди. Эртасига Маҳмуд исмли танишимиз билан бир бегона одам уйга келиб, Шаҳноза касалхонага тушиб қолди, доридармонларга ишлатарсиз, деб 300.000 сўм бериб кетди. Ҳеч нарсага тушунмасам-да, касалхонага бордим...

2008 йилнинг 11 январида Ш.Аҳмаджонова уйга тезроқ етиб олиш мақсадида Шомурод Назиров бошқаруводаги машинага ўтирганди. Маст ҳолдаги ҳайдовчи йўл қоидаларига амал қилмагани учун автоҳалокат содир бўлиб, оғир тан жароҳати олган Шаҳноза 37 ёшида шифохонада вафот этди. Бир инсоннинг ўлимига сабабчи бўлган Ш.Қодиров қилмишига яраша жазо олди.

Тўрт нафар набирасининг тақдиридан бесаранжом Нафиса опа бошини қайси эшикка уришини билолмай гаранг. Ҳозирча фақат кексалик нафақасигагина набираларининг қорнини тўқ, устини бут қилиб ўтирибди. Лекин кўнгли томи ёпилмай қолган иморатидек тобора чўкиб бормоқда. Давлат томонидан кафолатланган болалар нафақасини ҳам ололмаётгани эса дард устига чипқон бўлмоқда.

Оила кодексига асосан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг васий (ҳомий)ларигина уларнинг нафақа пулини олишлари мумкин.

Н.Аҳмаджонованинг васийэтиб тайинлашларини сўраб туман **ҳокимлигига, прокуратурасига** берган аризалари, унинг яшаш шароити йўқлиги сабабли, рад қилинди.

Табиийки, ота-оналари ҳаётлигида ҳам бувиларининг бағрида ўсиб келаётган болалар энди "ягона" бўлиб қолган ўзларининг энг яқин кишисидан асло ажралишни истамайдилар. Лекин... Яна ўша томи ёпилмаган уй муаммоси.

"Агар уйнинг томини ёпсак, васийликка рухсат беришар экан, — дейди умид билан Нафиса опа. — Набираларимнинг ота-оналари ўлимига сабабчи бўлган айбдорлардан моддий ва маънавий зарар ундирилиши таъминланса, бу муаммо ҳал бўларди. Шунда болаларим билан бирга хотиржам яшар эдик..."

Ишонамизки, юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Янгийўл шаҳрида ҳам саховатпеша инсонлар кам эмас. Бизни ажаблантирган жойи шундаки, шаҳар мутасадди раҳбарларининг инсон тақдирига, вояга етмаган болалар тақдирига, шу баробарида ўз мансаб ваколатлари ва вазифаларига лоқайдлик билан қарашидадир.

Буюк файласуф Суқрот "Лоқайдлик инсон қалбини ўлдиради" деган эди. Инсонпарварлик энг олий даражага кўтарилган демократик давлатимизда бу каби иллатлар қонунийлик ва инсонийлик нуқтаи назаридан ҳам кечириб бўлмас ҳолдир. Зеро, қонун устувор бўлган юртда, унинг ижроси таъминланиши муқаррардир.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Наманган вилояти адлия бошқармаси жамоаси Чуст тумани давлат нотариал идораси нотариуси **Абдусалим Абдухалилович ТОИРОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси Ҳусниддин Даминовга укаси **Аслиддин ДАМИНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-115. Тиражи — 22061. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
7